# Barakat Co., Ltd.







*Биз Ўзбекистон халқини қадимий ва гўзал айём —*

*Наврўз*

*байрами билан табриклашдан беҳад бахтиёрмиз!*

*Илк баҳор қалдирғочлари ўз қанотларида кўкламий ҳарорат келтиргани каби,*
*Наврўз байрами ҳам Сизга ва оилангизга тинчлик, қувонч ва ёруғлик олиб келсин!*



Уяли алоқалар

BUZTEL GSM

Индонезия компанияси

Ўзбекистон халқини

Наврўз айёми

билан табриклайди!

Сизларга тинчлик-хотиржамлик, мамлакатимиз равнақи йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!



Диққат! 1998 йил 17 мартдан 31 мартгача НАВРЎЗ байрами муносабати билан нархларимиз арзонлаштирилган



Philips Genie

Nokia 8110

Уяли телефон ускуналари нархи
Alcatel HC-1000 - $ 500 илгари $ ~~800~~
Nokia 8110 - $ 800 илгари $ ~~950~~
Philips Genie - $ 1100 илгари $ ~~1350~~

Уланиш нархи:
- $ 120 илгари $ ~~150~~
- $ 200 илгари $ ~~250~~

Bakrie Uzbekistan Telecom

Ҳамиша Сиз билан!

Манзил: 700000, Тошкент ш., "Ўзбекистон овози" кўч., 2, "Ле Меридиан Тошкент" меҳмонхонаси.
Телефонлар: (3712) 132 06 49, 132 06 48, 105 04 54, 105 04 64, 105 04 77, 105 04 66.

BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM



ÓzDEU BANK

ЎзДЭУ-Банк жамоаси бутун Ўзбекистон халқини уйғониш, яшариш, покланиш ҳамда орзу-умидлар байрами —

Наврўз

айёми билан муборакбод этади!



Сизга шодлик ва бахт тилаймиз!



НАВРЎЗ ~ ЭЗГУЛИК, ТОТУВЛИК ВА МЕҲРИБОНЛИК БАЙРАМИ

«МУБОРАКГАЗ» ГАЗ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилган ишлардан мамнуният билдириб, барча ватандошларни яқинлашиб келаётган

Наврўз айёми

билан муборакбод этади.

Наврўз байрами мусулмон тақвими бўйича Янги йил бошланишини билдиради. Ушбу байрам, у билан бирга уйғонаётган табиат янгича ҳаётга умид, тириклик муждасидир.



Бизнинг гўзал ўлкамиз табиий бойликлар, ер ости заҳираларига бой. Биз мамлакатимиз саноатининг олд қаторида туриб, унинг қудратини янада оширишга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Барчангизни Наврўз айёми билан қутлаб, Сизларга тинчлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ушбу байрам ҳар бир хонадонга тинчлик ва барака, хурсандчилик олиб кирсин! Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти ҳаммамизга насиб этсин!



НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

UZBEKISTAN TURKISH BANK

## НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!





*Наврўз — яшариш, янгиланиш, гўзаллик фасли. Биз ушбу улуғ айёмни ҳамиша ўзгача соғинч ҳисси ила қаршилаймиз. Қишнинг совуқ кунлари оёқлаб, яна теграмизда келинчак фаслнинг элчилари бўлмиш майин еллар эсиб, унинг ташрифидан дарак бера бошлаган чоғда қалбларимиз таниш бир орзиқиш, интизорлик туйғуларидан энтикади. Шунда кўнгилларимиз баҳорга, Наврўзга илҳақ эканлигини англаймиз. Ажабки, бу шарофатли айёмни табиат ва инсон бирдек интиқ кутади.*

*Наврўз — ризқ-рўз, тўкинчилик ва яратувчанлик меҳнати бошланадиган шарофатли айём. Ана шу куни саховатли боболеҳқон эзгу ниятлар билан қадрдон даласига уруғ сочади. Қуёшнинг тафти, Она-замин қуввати ва боболеҳқон меҳридан куч олиб ўсган яшил майсалар вақти келиб хирмон-хирмон ҳосил беради. Демак, элнинг насибаси бут, турмуши фаровон бўлади.* **«ЎТ-Банк» Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси** *яқинлашиб келаётган Наврўз айёми муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади. Илоҳим, ушбу шафоатли байрам барчангизнинг хонадонингизга қут-барака, бахт-саодат олиб келсин.*

*Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган навқирон Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ, манзили нурафшон бўлсин!*

Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.
Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19. Факс: (3712) 77-34-08.
Телекс: 11-66-23 UTB

---

**Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банкининг**

## Қашқадарё вилоят темир йўл ҳудудий ва Муборак туман филиаллари жамоалари

**барча ватандошларни қутлуғ кун — НАВРЎЗ айёми билан муборакбод этишдан мамнундир. Янги йил ҳар бир хонадонга туганмас шодлик, бахт, севинч ва файзу барака келтирсин! Юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин, оиламиз ва фарзандларимиз бахтли-саодатли бўлсин! Илоё, муқаддас Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин! Озод Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга насиб этсин!**



*Наврўзингиз муборак бўлсин!*

---

UZDUNROBITA cellular




400 дан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари

Тошкент
Самарқанд
Бухоро
Андижон
Фарғона
Наманган
Урганч
Хива
Навоий
Қарши
Гулистон
Қўқон
Термиз
Янгийўл
Чирчиқ
Жиззах

**Азиз ватандошлар!**

**“Ўздунробита” уяли алоқалар ўзбек-америка қўшма корхонасининг жамоаси**

**Сизларни умумхалқ баҳор байрами —**

## НАВРЎЗ

**билан табриклайди.**

Ушбу баҳор байрами билан ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч, ҳамжиҳатлик ва севги, осойишталик ва тўкин-сочинлик кириб келсин. Биз ушбу замонда, барча нарса халқ манфаатлари, тинчлиги ва осойишталиги учун қилинаётган Ўзбекистон диёрида яшаб, меҳнат қилаётганимиздан жуда ҳам миннатдормиз.

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН!




16 000 дан зиёд абонентлар

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жойлашган майдоннинг 90 фоизга яқини уяли алоқа воситамиз билан қопланган.

Ўзбекистон ҳудудида автоматлашган роминг

Кеча-кундуз ахборот маълумот хизмати: 30-09-09, 31-09-09 ва 611 ("Ўздунробита" ҚКси уяли телефони орқали).

Сервис-Марказ: Савдо бўлими, абонентларга сервис хизмати. Манзил: У. Юсупов кўчаси, 1-А.

Ихтисослаштирилган давлат

акционерлик-тижорат

«Асака» банки

Ўзбекистон аҳолисини ва

меҳмонларини баҳор байрами —

**Н а в р ў з**

билан чин юракдан табриклайди !

Биз ушбу қувончли кунларда

Сизга бахт-саодат, тинчлик ва

фаровонлик тилаймиз !

ASAKA BANK

Тошкент ш., «Нукус» кўч., 67
Тел. - 547325
Факс - 540659



ABN·AMRO Bank

АБН АМРО БАНК МБ
ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

*Меҳнатсевар Ўзбекистон халқини*
*гўзал баҳор айёми —*

**НАВРЎЗ**

*билан самимий табриклайди!*

*Барчангизга оилавий бахт-саодат,*
*фаровонлик ва мустаҳкам*
*саломатлик тилаймиз!*



Nufuzli kompaniya — nufuzli mijozlar uchun

Ўзбекистонда уяли алоқа тизимини ривожлантириш
борасида самарали иш олиб бораётган

**coscom**

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси

*қадим Туркистон заминида истиқомат қилаётган*
*барча халқларни табиат уйғонишига*
*башариятнинг яшариши уйғунлашиб кетган қутлуғ кун,*
*меҳр-мурувват рамзи —*

*Наврўз*

*билан самимий муборакбод этади!*

*Шаҳар ва қишлоқларда, овул ва яйловларда бутун баҳор*
*бўйи давом этувчи бу айём қадами барчамизга қутлуғ бўлсин!*



Телефонларимиз Тошкентда: 152-66-88, 56-23-38. Самарқандда: 35-61-38, 31-21-26. Фарғонада: 24-62-17, 24-76-52.

VATAN, OILA VA IYMON — MUQADDAS TUYG`U

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

Наврўз байрами одамларда меҳру муҳаббат ҳисларини уйғотади, истиқлолимизга, келажагимизга ишончини камол топтиради. Эҳтимол, бу сўзлар кўп марта айтилгандир. Лекин мамлакатимиз раҳбарининг Наврўзнинг энг қадимий, энг миллий байрам эканини таъкидлаб айтган фикрларидан кўнглим шукуҳга тўлди. Наврўз байрами, шу қутлуғ кунлар барчангизга муборак бўлсин.

**Раънохон БАРАТОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Бешариқ туманидаги**
**29-ўрта мактаб**
**ўқитувчиси.**

## БАҲОР НАФАСИ

Мустақиллик туфайли шарқона қурилишлар қулоч ёзган шаҳар кўчаларида баҳор нафаси уфуриб қолди.

Умумхалқ байрами бу йил қаерда ва қандай ўтади? Аввалги тантаналардан қай жиҳатлари билан фарқланади? Бу ҳақда Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари Норқул Тоғаев шундай деди:

— Шаҳримизнинг меҳнат жамоалари бу йилги Наврўзни ҳар йилдагидан ўзгача шукуҳ билан қарши олмоқдалар. Бунда саноатда, қурилиш соҳасида, ижтимоий ҳаётда рўй берган силжишларнинг ижобий таъсири бор. Бир неча ойдирки, маҳаллаларни, саноат ҳудудларини ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, хас-хазондан тозалаш ишларини олиб бораяпмиз. Бу йил байрам шаҳарнинг қоқ марказида, янгидан барпо этилган «Истиқлол» хиёбонида ўтказилади.

Ҳозир бутун эътибор ўн икки гектарлик мана шу сайлгоҳ жойни тайёрлашга қаратилган. Бу ерда бир ярим минг кишилик томошагоҳ қурилди.

Маҳаллалар аҳли ўзига хос ҳунармандчилик кўригини тайёрлаяпти.

Яна бир катта тадбиримиз бор. Наврўз байрами арафасида Сайид Тоиров номли болалар боғи, «Тошлоқ», «Раваллиқ», Бобур, Улуғбек номидаги маҳаллаларнинг замонавий услубда қурилган янги гузарлари фойдаланишга топширилади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ҳ. НАБИРАЕВ**
**суҳбатлашди.**

ОИЛА

# ҲАЁТ БИР КИТОБ ЭКАН...

**Оилага турлича таъриф берилди. Биз истасак-истамасак, у ҳар биримизнинг митти Ватанимиз, паноҳимиз. Шул боис ҳам Президентимиз бу йилни Оила йили деб эълон қилдилар. Шундан сўнг эса «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

Эл ичида юриб, кўпроқ аёлларнинг дардини эшитганим учун ҳам, оила марказининг ташкил этилгани айни муддао бўлди, деб ўйлайман. Боиси, бу марказ айнан дарз кетаётган оиласининг келажагини ўйлаб, бошини қайси эшикка суқишни билмай карахт турган аёлнинг борар манзили, юрак ҳасратини эшитадиган дарддоши бўлади.

Хотин-қизлар қўмиталари, кенгашлари унга камарбастадир.

Сергели тумани, «Мустақиллик» маҳалласига хотин-қизлар кенгаши раиси этиб сайлашганида, биринчи марта оилавий жанжални бартараф этишда маслаҳат кенгашида қатнашдим.

Ёш оила арзимаган рашк туфайли ажраётган экан. Куёвнинг ноўрин рашки туфайли кетиб қолган келинни уйига олиб келиб қўйдик. Куёв бола ва қайнона билан алоҳида гаплашдим. Келинчак билан сирлашиб олдим. Қайнота билан маслаҳатлашдим. Натижада ёш оилада қайта илиғлик уйғонди. Орадан бир йил ўтиб, ўша оилада бешик тўйи бўлди...

* * *

Кунларнинг бирида олдимга чиройликкина қиз келди. Маълум бўлишича, қиз шаҳримиздаги фабрикалардан бирида бичиқчи бўлиб ишлар экан. Ҳар куни ўзларини автобусда ишга олиб борадиган ҳайдовчини яхши кўриб қолибди. Ниҳоят ёш юраги муҳаббат билан тўлиб бўлгандан кейин йигит унга хотини ва битта ўғли борлигини айтган. Оиласи билан эрта-индин ажрашаман деб турганида ҳалиги одамнинг хотини қизнинг уйига қўнғироқ қилиб, бир учрашайлик, майли, мен розиман эримга тегишингизга, фақат бир оғиз сўзим бор, шуни эшитсангиз бўлди, дебди.

Қиз учрашувга рози бўлиб, келишилган жойга борса, ёқимтойгина бир аёл ногиронлар аравачасида худди «ўшанга» ўхшаган болани олиб келиб ўтирган экан.

Болалигидан отасиз ўсган қиз ногирон гўдакнинг бир қўли билан бир оёғи ишламаслигини кўриб, юраги эзилиб кетибди. «Эрингиз менга боланинг ногиронлигини айтгани йўқ, мен ҳеч қачон бу боладан отасини тортиб олмайман» — деб йиғлаб-йиғлаб қайтиб кетибди...

— Нима қилай опа, маслаҳат беринг, унутишим қийин бўлаяпти. У киши ҳам фақат узоқ-узоқлардан менга қараб-қараб туради, холос. У жуда яхши одам. Мен яна бошқа бировни шундай севаоламанми? Ахир, муҳаббат бир марта насиб этаркан-ку, — дея йиғлайди қиз.

«Синглим, сиз олийжаноблик қилибсиз. Албатта, бахтли бўласиз. Ногирон боласини ва хотинини ташлаб, сизга муҳаббат изҳор қилган одамдан асло яхшилик кутманг. Бировларнинг боласини чирқиратиб, ўзгаларнинг кўз ёши эвазига бахт қураман деб чиранганларнинг аҳволини кўраяпмиз. Улар охир-оқибат хорузор бўлмоқда. Синглим, сизнинг кичкинагина бўлса-да ўз бахтингиз бўлсин, аммо ундан кимнингдир оҳу фиғони эшитилиб турмасин» — дедим.

Ҳа, кўз ўнгимда ўша қиз ўз-ўзи билан курашди. Иродасига суянди. Фабрикадан ишдан бўшаб, ҳисобчилар тайёрлов курсига ўқишга кирди. Ўқиш битиш арафасида ўзига муносиб жойдан совчи келди.

Мана шундай минг турли саволлар гирдобига тушиб қолиб, охир оқибат нима қилишини билмай турганлар учун «Оила маркази» жуда-жуда керак.

* * *

Одам одамлар билан тирик. Биз ўзбеклар болаларимизга гўдак ёшидан қариндош, маҳалла-кўйга, атрофдагиларга нисбатан меҳр уйғотиб яшаймиз. Меҳр ҳам, меҳрибонлик ҳам кўчада қолган эмас. У юраклардан-юракларга ўтиб яшайди.

— У нимадир — емадилар, тўйдилар? — деган саволга шоир Махтумқули шундай жавоб берган эканлар:

— У дийдордир емадилар, тўйдилар.

Бегоналарку бегоналар, бугунги кунда ҳатто айрим қариндош-уруғлар ҳам бир-бирини кам йўқлайдиган бўлиб бормоқда. Учрашишса ҳам бирор маросим ёки тўйда. Болаларимизчи? Улар маросимда, тўйда иштирок этмайди. Улар уйда қолади, гўё меҳмондорчилик ёки тўйда бизга ҳалақит берадигандек. Бир келинчакнинг маҳалла оқсоқоллар кенгашига ёзган аризасини ўқийман:

«Беш йил бўлди, эрим билан қонуний ажрашдик. Шу беш йил ичида уч боламга бир сўм нафақа ҳам, уйни ажримга бераман деб, коммунал хизмат харажатларини ҳам тўламади. Уйни ажратиб олса олақолсин, чунки бугунги кунда уй ҳақини эрим учун ҳам тўлаб чарчадим. Болаларим билан юрак ҳовучлаб яшаймиз, чунки у хоҳлаган вақтида кириб келиб, тўс-тўполон қилиб чиқиб кетади. Сўнгги келганида, «дада» — деб, ёпишган тўрт ёшли қизчамни йиғлатиб кетди. Шу қизим эримга икки томчи сувдек ўхшаш.

Болаларим бугунги кунда эримнинг қариндошларидан ҳеч кимни танимайди. Саккиз ойлик чақалоғим касалхонада жон берганда ҳам, хабар юборишимга қарамай на эрим, на эримнинг уруғлари келиб, ҳолинг нима, дейишмади. Менга уйни ажратишга ёрдам берсангиз. Йўл-йўриқ кўрсатсангиз».

Ҳали ўттизга ҳам кирмаган бу келинчак оилавий турмушнинг заҳар-заққумини ютган холос. Юзига термулиб қарасангиз, қувончдан асар йўқ. Сабаб нима? Сабаб икки марта учрашувга чиққану, яхшига ўхшайди-ку, деб турмуш қурганида.

«Юрагимизни ҳовучлаб яшаймиз» — деб ёзади у. Синглим сиз ким учун фарзанд дунёга келтирдингиз? Кимнинг зурриёдини тўққиз ой юрагингиз ёнида олиб юрдингиз? Икки дунё бир тутам бўлиб фарзанд кўраётганда кимнинг меҳрига таяндингиз? Шу бешафқатгами? Нега сиз буларни олдин ўйламадингиз?

Энди бир умр хатоларингизни тузатиб яшайсиз. Энди, отасизлик, меҳрсизлик, бобо-буви, на амаки, аммаларининг самимиятисиз ўсаётган болаларингизга тўлақонли бахтли ҳаёт кечиролмай аламзада бўлиб улғаймаслиги учун сиздан қанча куч-қувват, сабр-бардош талаб этилади.

Кейинчалик ҳалиги аёлдан ажралиб кетишнинг асл сабаби нима бўлган? — деб сўрасам, шундай жавоб берди:

«Эримга одам иси ёқмас экан. Турмуш қурганимиздаёқ: «Мени уйимга қариндош-уруғинг келмасин. Меникилар ҳам келмайди. Мен ҳам бормайман. Қўни-қўшни ҳам остонамдан кирмасин. Агар сен фикримга қарши борсанг, ўша куни талоқсан», — деди. Бир йил, икки йил, уч йил шундай яшадим. Охири ажралишга рози бўлдим. Тўғри узатилган қиз болага ҳар бир мулоҳазали она: «Қизим энди ҳа, деганда бизникига чопиб келаверма, эринг, қайнонанг рухсат берса кел», деб тайинлайди.

Шунга кўра ёш келин борган жойига тезроқ ўрганади, кўникади, кўнгил боғлайди. Бу барчамизнинг хоҳишимиз.

«Ажралиш. У қандай ҳолатда бўлса-да, унда фақат аёл ва у билан бирга қолаётган болалар жабр чекадилар», — дейди психолог олим, профессор Ғайрат Шоумаров.

Ажралиш. Нақадар совуқ калима бу. Унинг биринчи зарбаси кўпроқ омадсиз никоҳ қурган аёл бошига тушади. Руҳий изтироб, иқтисодий қийинчилик, ёлғиз аёл тақдиридаги охир-адоғи йўқдек кўринган умидсизлик ва тушкунлик... буларни енгмоқ учун ёлғиз аёлга ўз ёрдамимизни аямайлик.

* * *

Бахтли, шод-хуррам яшаётган оилалар Оллоҳга шукрлар бўлсинки, кўпчиликни ташкил этади. Аҳолининг жуда оз қисмини ташкил этаётган бўлса-да, тиклаб бўлмайдиган рўзғорларга кириб борганингизда икки, уч, тўрттадан боласини қанотига олиб яшаётган аёлга қараб ичингиздан бир нарса «чирт» этиб узилгандек бўлади. Беихтиёр унинг шундай ҳолга тушиб қолиш сабабларини ўйлайсиз. Сабаблари жуда кўп. Тафсилотлар бисёр. Аммо бахт ҳам, оила ҳам ягона. Ўша ягона бахт аёлни ҳеч қачон тарк этмаслиги учун бугун барчамиз ҳушёр бўлайлик, меҳрли бўлайлик.

**Зулфия МЎМИНОВА.**

КЎКЛАМ НАСИМИ

# НАВРЎЗ ДОИМ ЎЗЛИГИНИ АЁН ЭТАР

Диёримизда баҳор насими эсаётир.

Кўклам фасли Тошкент вилоятининг Чотқол тизмаларига туташиб кетган ҳудудларнинг далаю қирларида, Чимён оромгоҳларида ҳам бўй кўрсата бошлади.

Наврўзга хайрли ниятлар уйғунлашгани бежиз эмас. У деҳқонга ҳам, соҳибкорга ҳам, чорвадору зиёлига ҳам бирдай шоду хуррамлик инъом этади. Айниқса, бу айёмни халқимиз ўз азалий қадриятлари — маҳалла ва гузарларни обод ва кўркам, саранжом-саришталик билан кутиб олишга одатланиб қолган. Шу боис вилоятдаги туман ва шаҳарларда қиш чилласи чиққаниданоқ ободонлаштириш ойлиги бошлаб юборилганди. Ҳозиргача бу борада талайгина ишлар қилинди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалла гузарларини, қишлоқ ва овулларни, турар жой даҳаларини ободонлаштиришга, вилоятдаги корхоналар, ташкилот ва муассасалар бевосита бириктириб қўйилган. 14 март куни эса вилоятда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Ундан тушган маблағнинг асосий қисми меҳр-мурувват ишларига сарфланди. Айём кунлари вилоятда истиқомат қилаётган 9 минг нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлари, 4 минг нафарга яқин ёлғиз ва моддий ёрдамга муҳтож кишилар зиёрат қилинади.

Наврўзнинг асл мезбонлари — деҳқонлар ҳам аллақачон катта хирмон тадоригига тушиб кетишди. Бўстонлиқ, Қибрай, Чиноз туманларидаги бир қатор деҳқон-фермерлар ҳар бир соҳада ўрнак бўларли иш олиб боришаяпти.

Ўтган йил якунларига кўра, вилоятдаги ўнлаб тадбиркорлар чорва отарлари, йилқичилик сурувларидан мўл-кўл маҳсулот етиштириб, аҳоли дастурхонига 2 минг тонна гўшт, 6 минг тонна сут етиштирган. Деҳқон-фермерлар эса 30 минг тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ этишди. Эртанги бўладиган байрам кунларида ҳам вилоят деҳқонлари шаҳарликлар дастурхонига 25 тонна картошка, 100 тонна сабзавот, 40 тонна мева, 5 тонна гўшт келтирадилар. Зеро, «Наврўз» юртбошимиз таъкидлаганидек, бир кунлик байрам эмас, у бутун баҳор фасли бўйлаб узвий давом этувчи айёмдир. Айём дастурхонини эса деҳқон туҳфасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳадемай шаҳар бозорларини Қибрай, Янгийўл, Зангиота туманларида етиштирилган эртанги мева-чевалар янада серфайз қилиши турган гап.

**Ш. КАРИМОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

MASTER-PRESS «МАСТЕР-ПРЕСС» фирмаси
ўзининг мижозларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини шарқнинг қадимий ва навқирон баҳор байрами
**Наврўз**
билан қизғин табриклайди.
*Сизга узоқ умр, сиҳат - саломатлик ва ишларингизда омад тилайди!*
Манзилимиз: Ташкент ш. Лоҳутий кўч., 42 (самолётсозлик коллежи қаршисида).
Тел.факс: (371) 136-35-73, 133-95-47.
Пейджер: (067) 8517, 8518, 8519, 8393.
«Мастер-Пресс» жамоаси.
MASTER-PRESS
*Нашрларга обуна ва уларни манзилларга етказиб бериш бутун йил давомида.*







## ТАНАМДА ЖОН БЎЛИБ СУЗАДИ ФУТБОЛ!

Мана кўриб-билиб турганимиздек, узо-о-қ кутганимиз — кайфиятларнинг сараси, марду майдонларнинг суюкли марраси бўлмиш еттинчи футбол мавсуми ҳам бошланди. Бу йилги чемпионатда олий лигада 16 команда иштирок этади. Мавсум давомида Ўзбекистон кубоги ҳамда асосий терма командамизнинг 13-Осиё ўйинларига тайёргарлик мусобақалари ҳам ўтказилади. 18 ёшдан юқори бўлмаган ёшлардан таркиб топган терма командамиз эса октябрь ойида Таиландда ўтказиладиган 31-Осиё чемпионатида иштирок этадилар.

Хуллас, навбатдаги футбол мавсуми ҳам ҳар галгидек миллионлаб ишқибозларга чексиз қувонч, шодлик келтириши, шубҳасиздир. Демак, Олий лига командалари дастлабки тур ўйинларини ўтказдилар.

| | | |
|---|---|---|
| Наманганда: | | |
| **«Навбаҳор»** | **1 - 0** | **«Пахтакор»** |
| Навоийда: | | |
| **«Зарафшон»** | **0 - 0** | **«Насаф»** |
| Бекободда: | | |
| **«Металлург»** | **0 - 1** | **«Дўстлик»** |
| Хоразмда: | | |
| **«Хоразм»** | **0 - 1** | **«Трактор»** |
| Термизда: | | |
| **«Сурхон»** | **0 - 3** | **«Нефтчи»** |
| Жиззахда: | | |
| **«Сўғдиёна»** | **1 - 0** | **«Андижон»** |
| Бухорода: | | |
| **«Бухоро»** | **1 - 0** | **«Темирйўлчи»** |

ФИФА қонун-қоидасига асосан ютуққа 3, дуранг натижага 1 очко берилади.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

## ИЗЛАГАНГА ТОЛЕ ЁР

**Навбат республика «СПОРТ» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Шерали ҲАБИБУЛЛАЕВга**

ТАКЛИФ: 1. Менимча, олий лига командалари ўз сафига қабул қилган ҳар бир футболчи билан камида икки йил муддатга шартнома тузиши лозим. Ушбу шартномани ноқонуний равишда бузган томон жавобгарликка тортилиши зарур. Шундай қилинганда футболчиларнинг саёқ юришига чек қўйиларди, деб ўйлайман.

2. Терма команданинг ҳар икки ойда бир марта ўқув машғулотларига тўпланиши ҳамда ўртоқлик учрашувларини ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мураббий ва футболчиларга ҳар томонлама қулайлик керак.

3. Олий лига командаларининг ўринбосарлари таркибига ҳам жиддийроқ қарасак ютқазмаймиз. Ана шунда ҳар бир команда асосий ўйинчиларни йўқотган тақдирда ҳам бошқаларнинг кўмагига муҳтожлик сезмайди.

4.Излаганга толеъ ёр, дейди халқимиз. Истеъдодларни кўпроқ чекка вилоятлардан, қишлоқлардан излаш, зарур. Чунки маҳоратли футболчилар кўпинча биз кутмаган тарафлардан келади. Бунинг учун жойларда маҳаллий футболчиларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарур. Бу борада хориж ҳамда айрим қўшни мамлакатлардаги тажрибалар асқотиши турган гап.

МУЛОҲАЗА: 1. Кўп ҳолларда футбол ишқибозлари мавжуд ҳисобот ҳамда ахборот тарзидаги мақола ва суҳбатлардан, китоблардан тўла қониқиш ҳосил қилмайдилар. Бундай камчиликка чек қўйиш учун ҳар бир команда билан журналистлар ўртасида узвий алоқа ўрнатиш, хориж сафарларига журналистларни ҳам олиб бориш шарт. Бамаслаҳат иш тутсак, ҳар бир муаммони ечишимиз мумкин.

2. Футбол ишқибозлари майдонларга чиройли ва ҳужумкор ўйин кўриш учун ташриф буюрадилар. Бугунги давр, бугунги футбол ва бугунги ишқибозни бир-бирига мустаҳкам боғлаб турадиган нарса бевосита командаларнинг мавқеидир. Бас шундай экан, олий лигада кучли командалар сонини кўпайтирмасдан мухлисларни хурсанд қилиб бўлмайди.

3. Ҳукуматимизнинг мамлакатимизда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорида кўрсатилганидек, ҳозир ҳамма жойда ҳокимлар маҳаллий футбол федерацияларининг президенти этиб тайинландилар. Бу, албатта, команданинг моддий аҳволи, керакли анжомлар билан таъминлаш учун катта қулайлик яратмоқда. Лекин баъзи ҳолларда ҳокимларнинг командалар мураббийларининг ишларига аралашиши яхши натижа бермаяпти. Бу масалани жиддий ўйлаб ҳал қилиш лозим.

4. Ўтган олтинчи чемпионат давомида кўпгина ҳакамларнинг ноодилликлари ошкора бўлиб қолди. Мақсадимиз — мамлакатимиз футболини ривожлантириш экан, ҳакамлар билан ҳам жиддий иш олиб бориш футбол мутасаддиларининг бурчидир. Энг муҳими, ҳар бир ишда муваффақиятга эришиш учун ҳақиқат ва адолатни муҳим қурол қилиб олиш керак.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Нормурод МУСОМОВ**
**тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, кимё-технология фанлари бўлими ва ЎР ФА ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси президуми ЎР ФА ўсимлик моддалари кимёси институти директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги
**Ҳамидилла ОРИПОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Ўқитувчи» нашриёти директори Рустам Олимович Мирзаевга оталари
**Олим ота МИРЗАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телевидениеси «Спорт» бош муҳарририяти режиссёр Раҳматжон Содиқовга отаси
**ХОЛМАТЖОН отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Оби Ҳаёт» акциядорлик инвестиция компанияси жамоаси «Контрактсервис-Оби» фирмасининг директори Журъат Ваҳобовга оналари
**Мастура АЪЗАМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 21.30* 1 2 3 4 5 6